O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 9 май, сешанба | № 19 (171) | Сотувда эркин нархда

# 9 МАЙ- ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

# *ФАРМОНИ*

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида

***Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига етук, билимдон ва пок мутахассисларни тавсия этишда қонунчилик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака Комиссияси тузилсин.

Унинг таркиби ва Низоми тасдиқлансин.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган Фармон ва Фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

Комиссиянинг асосий вазифалари судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш, судьяларни лавозимларга тайинлаш масалаларини ҳал этиш чоғида қонунчилик ва ижтимоий адолат кафолатларини, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдан иборат, деб белгилансин.

3. Ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038 сонли Фармойиши ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 4 май.

## Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг

# БУЙРУҒИ

Ўртоқ аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапоршиклар, офицер ва генераллар!

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари!

2000 йилнинг 9 май куни мамлакатимиз аҳли ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари юксак эҳтиром ва фахр туйғулари билан умумхалқ байрами - Хотира ва қадрлаш кунини нишонламоқда.

Бу куни биз она юртимизни матонат билан ҳимоя қилган, Ватанимиз эрки ва мустақиллиги йўлида жонини фидо этган ватандошларимизни хотирлаймиз. Биз бугунги кунда сафимизда турган ва ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга, ёшларни юксак ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ватан ҳимоячиларининг бугунги авлоди ота-боболарининг қаҳрамонона анъаналарини давом эттирмоқда. Қуролли Кучлар жангчилари конституциявий бурчларини бажара туриб, ўзларининг касб маҳоратларини такомиллаштирмоқда, ҳарбий маҳоратларини ошириб, давлат мустақиллиги ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга ҳамиша шай турибдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучларнинг Бош қўмондони номидан ва топшириғига кўра Сизларни Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, Ўзбекистон Республикасининг порлоқ келажаги йўлидаги меҳнатингизга ривож тилайман.

Ватанимиз эрки ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

Хотира ва қадрлаш куни нишонланиши муносабати билан

БУЮРАМАН:

2000 йил 9 май куни соат 21.00 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда замбаракларидан 21 марта ўқ отилиб, байрам салюти ва мушакбозлик амалга оширилсин.

**Ю. АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант**

Тошкент шаҳри,
2000 йил, 8 май.

*Буюк ғалабанинг 55 йиллигига*

# *СОБИҚ ЖАНГЧИ*

### У ҳамон жанг қилаяпти. Урушда фашизмга қарши курашганди. Ҳозир эса...

- Бундайларга ҳар қандай жазо озлик қилади. Хўш, 15 йилга розимисизлар? - маслаҳатчиларига юзланиб деди судья ҳозиргина кўрилган «жиноят иши» бўйича ҳукм матнини битишга чоғланаркан.

- Қанийди, инсон боласи жазо билан тузала қолса? - оғир тин олиб деди Раҳимбой ота, - 15 йил деганингизга келсак, менимча,у оғирроқ жазо. Кўп нарсаларни тасдиқлашнинг иложи бўлмади. Биласиз, фактлар шубҳали ва етарлича тасдиғини топмаган ҳолларда масала айбланувчининг фойдасига ҳал этилади.

- Прокуратуранинг ҳужжатида ҳаммаси тасдиқланган. Унга ҳеч қандай эътироз билдиролмаймиз, - масалани маслаҳатчига тушунтирган бўлди судья.

- У ҳолда ҳимоячининг далилларини ҳам инобатга олинг-да, - бўш келмай деди маслаҳатчи.

Судда ҳукм эмас, ажрим матни ўқилди. Иш қўшимча терговга қайтарилди. Масала ҳал этилгунга қадар «жиноятчи» озодликда юрадиган бўлди.

Яқинда тағин суд бўлди. «Жиноятчи» жазодан буткул озод этилди.

Бошқа гал эса бунинг акси юз берди. Фактлар, далиллар етарли бўлсада, ўзининг 80 ёшли кекса отаси, уруш қатнашчисини арзимас сабаб билан дўппослаб, баданига оғир шикаст етказган безори ўғилни суд гўёки қўй оғзидан чўп олмаган бир мўмингина йигит қиёфасида таниди.

- Мен ҳам отаман, - деди ўшанда Раҳимбой ака. - Башарти айби 40 туяга юк бўлса-да, падарига қарши қўл кўтариш оқпадарликдир. Отага ҳатто ножоиз сўз айтишнинг ўзи катта гумроҳлик. Шу боис панд бўлсин учун унга жазони қонун тақозо этганидек, «босиб» тайинлаш керак.

*Ифтихор*

# ПРЕЗИДЕНТДАН МАКТУБ ОЛГАН ЁШЛАР




Уларнинг ҳар иккаласининг тақдири бир-бириникидан унчалик фарқ қилмайди. Миравзал Мироқилов ҳам, Мирғани Акбаров ҳам оддийгина ўзбек оилаларида туғилиб, вояга етишган. Юртбошимизнинг «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир», деган иборалари таъсирида мактабни аъло баҳоларда тугатиб, олам-олам эзгу умидлар билан Тошкент Давлат юридик институти даргоҳига қадам қўйишган. Ҳозирда Миравзал шу институтнинг 1-босқичида таҳсил олмоқда, Мирғани эса институт Девонхона бўлимида хизмат қилмоқда. Келажакда олий маълумотли ҳуқуқшунос сифатида халқимиз, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиш уларнинг энг катта орзуларидан биридир.

Барча фикриуйғоқ ватандошларимиз қатори бу иккала ёш ҳам мамлакатимизни мустақилликка олиб чиққан ва унинг буюк келажагини таъминлаш, довруғини дунёга таратиш учун одилона сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон раҳбарининг фидойи саъй-ҳаракатларини тўғри баҳолай олди. Президент сайловида иштирок этиб, ўзлари муносиб деб билган номзодга овоз бериб қайтишди. Орзиқиб кутилган натижа эълон қилингач, улар бирбиридан бехабар ҳолда юртбошимизни тенгсиз ғалаба билан чин дилдан муборакбод этиб, мактуб йўллашди. Унда ўз тақдирларини, юртимизнинг ёруғ келажагини, бугун жаҳон сиёсатдонлари «Аср одами» деб эътироф этаётган йирик сиёсатчи шахс — Ислом Каримов фаолияти билан уйғун ҳолда кўраётганликларини баён этганлар. Мухтасар қилиб, ушбу битикларни икки ёш қалбининг изҳори деб ҳам айтиш мумкин.

Орадан маълум фурсат ўтиб, Тошкент Давлат юридик институти жамоаси, талаба ва мураббийлари ҳаётида унутилмас қувончли воқеа рўй берди. Шахсан мамлакат Президенти номидан бўлажак ҳуқуқшуносларга, Мирғани ва Миравзалларга жавоб хати келди. Мактубда Ўзбекистон раҳбарининг келажагимиз эгаларига самимий дил сўзлари баён этилган бўлиб, жумладан, шундай дейилади:

**«Мамлакатимизнинг эртанги тақдири Сизларнинг қўлингизда. Сизлар ўз салоҳиятингиз, истеъдодингиз, мамлакатимизда ва чет элларда олаётган билим ва тажрибангизни кўрсатадиган пайтлар келди.**

**Ёшлик — умр довонида қайноқ ижод, жўшқин фаолият, олам-олам орзу-ҳаваслардан иборат фасл. Сизнинг фаол иштирокингиз мамлакатимиз жамолини янада жозибали қилишига ишончим комил!»**

Яқинда Тошкент Давлат юридик институти талаба ва мураббийлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда институт ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев мамлакатимиз раҳбари йўллаган мактубларни тантанали равишда ўқиб эшиттирди ва ўз эгаларига топширди.

- Азиз ёшлар! - деди Ҳалим Бобоев ҳаяжон билан. - Сизларга кўрсатилаётган бу юксак ишонч юртбошимиз тимсолида халқимизнинг орзу-умидлари ифодаси эканлигини асло унутманг!

Шу куни йиғилганларнинг юз-кўзида ҳаётдан мамнунлик, Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртга фарзандлик бахтидан фахрланиш туйғуси шундоққина акс этиб турди. Ҳа, инсон қадри ҳар недан улуғ деб қаралган Ватанда яшаш, унинг янада гуллаб-яшнаши учун жонфидолик, аввало, одамийликдир. Фуқароларини ана шундай олижаноб туйғулар бирлаштириб турган мамлакатнинг келажаги эса шубҳасиз буюк бўлажак!

**С.РАУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

БУГУНГИ СОНДА:

ФАҲШ ТЎШАГИГА ТЎКИЛГАН ҚОН



Илхом АҲМЕДОВ
СУИҚАСД

*Қонун ҳимоясида*

# ТАДБИРКОР «ТЎСИҚ»НИ СУДГА БЕРДИ ВА... ЮТИБ ЧИҚДИ

Қадимий ва навқирон Хивада Исоқ Абдуллаев деган таниқли тадбиркор бор. Уни олтмишдан ошиб, етмишни қоралаганлиги сабаблими, бошқа боисданми, каттаю кичик «Исоқ ота» деб атайди. У кишининг бировлар ҳожатини чиқариб, миннатдорчилигини эшитса, ажабтовур кулиб, «Исоқ отанг ўлмагай» деб қўядиган одати бор. Одамлар ҳам ота ҳақида сўз кетса, бу жумлани тез-тез қўллашади.

Тадбиркор Исоқ Абдуллаевнинг тасарруфида бир нечта хусусий фирма бош қўшган. «Исоқ ота», «Жамшидбек» ва ҳоказо. У тиниб-тинчимас, изланувчанлар тоифасидан. Бирисини бошлаб қўяди-ю, кутиб турмасдан иккинчисига ҳам киришади. Бир ёқда тижорат, бу ёқда қурилиш, нарёқда алламбало цехлар... Бирини иккинчисига улайди, тадбирларни ўзаро боғлайди, янгиларини ўйлаб топаверади.

Исоқ отага 1998 йил бошида катта қурилиш бошлаш учун 6 миллион сўм керак бўлиб қолди. Зир югуриб ҳужжатларни тахлади. Барчаси қонуний. Хоразм вилояти «Бизнес фонди», Хива шаҳар ва туман бўлимига олиб келди. 10 йил муддатга, 20 фоизлик ссуда олиш ҳақида ариза берди. «Бизнес фонд»дагилар (бошлиғи Р.Отажонов) ҳужжатлар бекаму кўстлигини таъкидлашди, ваъданинг «семизи»дан беришди, ҳужжатларни олиб қолишди. Бундан қувонган Исоқ ота меҳмонхона қурилишини бошлаб юборди, ишчиларни жалб қилди, шартномалар тузилди, техникалар ишга тушди. Аммо... «Бизнес фонд» Исоқ отани лақиллатмоқчи бўлди. «Ана ҳал бўлди, мана ҳал бўлди, эртага, индинга! Қисинманг, ёшулли...» Эҳ-ҳе, буёғини қўяверасиз. Икки ярим йил ўтиб кетди-ю, «бизнес»чилар «ана пул оласан, мана пул оласан» деб юраверди. Бу орада Исоқ ота шикоят қилмаган идора қолмади, бош суқмаган мансабдорнинг эшиги қолмади, ёллаган ишчилари ҳам, тўплаган ғиштлари ҳам, ишбилармонлиги ва ўз сўзининг устида турувчи тадбиркор номи ҳам... қолмади.

Бирданига Юртбошимиз тадбиркорнинг оёғини чалишлар, эркин фаолиятига қўйилаётган тўсиқларни олиб ташлашга киришилганлигини эълон қилиб қолди. Барча тадбиркорларга, жумладан, Исоқ отага ҳам жон кирди. Пайсалга солмасдан «Бизнес фонд»дагиларнинг қилмишлари, сарсон-саргардон қилганликлари, ноқонуний талаблар, таъмалар ва шаъмаларини қоғозга тушириб, тортган зарарларини, маънавий таъсирларини, бой берилган фойдани ҳисоблаб чиқиб, 2 миллион 260 минг сўмни ундириб беришни сўраб судга мурожаат қилди.

2000 йил 26 апрел куни Урганч шаҳар суди судья Т.Бобожонов раислигида Исоқ отанинг даъвосини кўриб чиқди ва... қаноатлантирди. Судда Хива шаҳар-туман Бизнес фонди вакили Р.Отажонов, вилоятдаги идора вакили Н.Аллабергановлар бирам тайсаллашдики, асти қўяверасиз. Аммо нега деган саволга келганда нима дейишаётганини ҳатто ўзлари ҳам тушунишмади. Суд даъвогарнинг фойдасига 350 минг ундиришга қарор чиқарди.

Муҳими, отахонни бу сумма қаноатлантирди. Чунки «Нега катта суммага даъво қилиб, энди «озгина»сига рози бўлиб ўтирибсиз?» деган саволга Исоқ ота «Қорним учун эмас, қадрим учун курашдим», деб қўяқолди. Қўлини силтади. Гўё «Чарчатишди, асабларимни тамом қилишди, қўяверинг, пулига зор эмасман, аммо адолат, ҳақиқат юзага чиқсин деган эдим-да!» дегандек бўлди.

Дарҳақиқат, судда «бизнесфонд»чиларга бироз ён босилиб, тадбиркор асоссиз ва қонунсиз сарсон қилинганлиги, қонуний тартибда ўша - 6 миллион сўмни 2,5 йил муқаддам олганда бугунгача айланма маблағ бир неча баробар ошган бўлишлиги, улар бой берилганлиги, маънавий зарарнинг фақат бир қисми ундириб берилган бўлса-да, ҳаркалай бу ғалаба. Нафақат Исоқ отанинг, балки барча тадбиркорларнинг, мамлакатимизда эсаётган ислоҳотлар шабадаси шарофатининг ғалабаси бу. Қонун тантанаси бу.

Шу ерда яна бир ҳолатни таъкидламасдан бўлмайди. Зарар кимдан ундирилади? Суд қарорига кўра Хоразм вилоят «Бизнес фонд»и тўлаши керак. Лекин нима учун айрим шахсларнинг айби, қилмиши учун бу ташкилот пул тўлаши керак. Айбдорнинг чўнтагидан, «ўпқонга айланган жиғилдони»дан суғуриб олиниши керак эмасми? Бизнингча, қонун талабига кўра ҳам шундай бўлиши керак.

Суд хусусий ажрим ҳам чиқарибди. Юқоридаги ҳаракатларни содир этган шахсларнинг қилмишида жиноят аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш ва тўхтамга келиш учун ишни прокуратурага оширишни лозим топибди. Баракалла! Қатъиятли ва муросасиз ёндашув нафақат «айрим»ларга, балки кўпчиликка сабоқ бўлади. Хуллас, Исоқ ота ютди, ҳақ ғолиб келди.

## АММО БУ ПАЙТДА...

### *рангдор металлар можароси Исоқ отани яна ранжитди*

***Мамлакат иқтисодиётига заракунандалик қилувчи янги тоифа жиноятчилар қалқиб чиқди. Улар турли, рангли қимматбаҳо металл, темир-терсакларни ўғирлаб, тўплаб, сарҳадларимиздан четга сотувчи нопок кимсалар эди. Бундайларнинг пайи қирқилаётганлиги одамларни хурсанд қилаётган, башараларини фош этишганда, фуқаро улардан нафратланаётган эди. Жумладан, тадбиркор Исоқ ота Абдуллаев ҳам...***

***Март ойининг бошларида Хоразм вилоят божхона бошқармаси бошқа биродар идоралар вакиллари ҳамкорлигида, Урганч темир йўл станциясидан жўнаб кетаётган юк вагонини кўздан кечиришди. Айни пайтда бир неча юк машинаси ҳам ушланди. Уларга мис қозондан тортиб алюмин туваккача - рангли металлар, юклар қалаштирилган эди. Қўлга тушганлардан бири - Хушнуд Каримов деган қаллоб йигит бўлиб чиқди.***

*Бу иллатга даво борми?...*

**Уни Нурбек Қурбонбоев дейишади. 1998 йилда «АН-НУР» номли хусусий фирма очиб олган. Собиқ милиционер. Гувоҳномаси йўқ. Аммо мундирда тушган суратини пеш қилиши мумкин. Муомалада эҳтиёт бўлинг. Айниқса, қарз сўраса дарҳол «қуённи қувлаб» қолишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда...**

Қишин-ёзин Урганч деҳқон бозорида кўкат сотиб, шу ерда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш учун қўйилган милиция ходими Нурбек Қурбонбоев деган йигитни танирдим. У атрофимда тез-тез «айланадиган» бўлиб қолди. Дарди бор экан: «Мен хусусий фирма очганман. Ҳисобимда миллионлар бор. Аммо... ҳозир бир ярим миллион сўм накд пул керак бўлиб турибди, тезда фойда-фоизи билан қайтараман, топиб бер», деди. Табиийки, «фойдаси билан» дегани ҳам қизиқтирди. Қолаверса, таниш, устига милиция ходими.

# УРГАНЧДА БИР НУСХА БОР

«Бир ташкилотга хат-ариза йўллаган инсон, ҳеч қачон уни мақсадсиз ёзмайди. Хат-ариза-га кўнглидагисини тўкиб, дардига нажот истайди, ноҳақлик-адолатсизликдан ранжиб, арзига жавобни илҳақлик билан кутади».

Хоразмдан Дилором Бекназарова деган аёл юборган хат ана шундай бошланади. "Кўнгилдагиси" эса сўнгроқ битилган:

«Оилада 11 нафар жонмиз. Боқувчимиз - дадамиз биз ёшлигимиздаёқ оламдан ўтган. Онам бизни ёлғиз тарбияладилар. 70 ёшни қоралаб қолдилар. Ўзлари касалманд. Катта акам 1991 йилда қазо қилди. Янгам ҳам 1990 йилда вафот этган эди. Уларнинг уч нафар гўдак болалари бизнинг қарамоғимизда қолди. Оғир аҳволда на ўқий олдик, на бошқа... ҳатто турмуш қуришни ўйлашга ҳам, сеп-сандиқ қилишга ҳам қурбимиз етмади. Озгина томорқа еримиз бор. Қишин-ёзин оиламиз билан турли кўкатлар экамиз, бозорга олиб чиқамиз. Улардан тушган озгина фойдадан чегириб, укам-сингилларим учун асраймиз... 17 ёшимдан буён рўзғор менинг бўйнимда. Ҳозир 30 га чиқдим.

Бизнинг устимиздан қарайди.

Хуллас, минг югуриб, уйимдаги, онамдаги, танишимдаги пулларни йиғиб, 1470 минг тўпладим ва 1999 йил январида, бозорда, кўпчилик гувоҳлар олдида санаб бердим. У менга фирмасининг ҳужжатларини гаровга қолдирди. Икки ойда қайтараман, деб тилхат ёзиб берди. Сўнг эса... мени хароб қилди. Изсиз йўқолди. Қидириб милицияга борсам, у хизматдан бўшатиб юборилган экан. (Аризага юқоридагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган). Шундан буён мана бир ярим йил тўлаяпти, пулимни олиш илинжида зир югураяпман. Отаси Болтабой Қурбонбоев вилоят ёшлари «Камолот» жамғармасида ишлайди (қизиқ, Нурбекни «камолот»га етказган шахснинг иш жойини кўринг). Сўраб борсам, ҳақоратлаб ҳайдашди. Ўзини топсам, «бугун-эртага» деб ваъдани чўзади. Милицияга, прокуратурага, судга қатнайвераман, ёзавераман, бефойда. Бозордаги ишим қолиб кетди, уйда эса 11 та жон...»

**Дилором БЕКНАЗАРОВА,**
**Урганч тумани, С.Қаландаров номли жамоа хўжалиги**

Урганч шаҳар деҳқон бозорида қонун посбонлигига қўйилган - милиционер Нурбек Қурбонбоев 1999 йил октябрида (бу пайтда у ички ишлар идораларидан бўшатилган) мени алдаб, милиция мундиридаги суратини бериб, гувоҳлар олдида тилхат ёзиб, шоли олиб бераман, деб 35 минг сўм пулимни олиб кетди. Ишониб юрибман. Аслида фирибгар экан. Милициядан ишдан ҳайдалган экан. Ортидан югуравериб, оила аъзоларидан ҳақорат, сўкиш эшитавериб сарсонман. Тегишли идоралардан учрашмаганим, мурожаат қилмаганим қолмади. Нурбек эса барчани лақиллатиб юрибди. Пулга куйганим - бир, сарсонгарлигим - икки, ҳақорат эшитганларим - уч, ҳеч ким дардимни эшитмаётгани...

**Клара ЮЛДАШЕВА,**
**Урганч шаҳри А.Баҳодирхон кўчаси**

## НАСИЯГА ОЛДИ-Ю, КЕТДИ...

Урганч шаҳар деҳқон бозорида тижоратчиман. Шу ерда милиционер бўлиб ишловчи Нурбек Қурбонбоев деган шахсни билардим. У 1999 йил июлида мендан «Ҳозир ёнимда пулим йўқ, бир-икки кун ичида олиб келиб бераман», деб 21 минг сўмлик турли хил товарларни насияга олиб кетди. Кейин билсам, Нурбек хотиним Замирадан ҳам худди шу усул билан алдаб, товар олиб кетиб юрган, аслида милициядан ҳайдалиб кетганига кўп вақт бўлган экан. Шундан сўнг унинг бозорда кўплаб одамларни лақиллатиб кетганини эшитдик. Изидан югуравериб чарчадик. Пулни қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмасдан қочиб юрибди, фирибгар.

**Отаназар СУЛТОНОВ,**
**Урганч шаҳри, Огаҳий кўчаси**

## "УНВОНИМ ОШАЯПТИ",-ДЕДИ-Ю...

Урганч шаҳар деҳқон бозорида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Бозорда милиция ходими бўлиб ишловчи Нурбек Қурбонбоевни билардим. У орада анча вақт кўринмай кетди. Сўнг... 2000 йил 8 март куни пайдо бўлди. Мендан 15 минг сўмга яқин товарни насияга сўради. Мен «Ҳозир қаердасиз», дедим. У «Милицияда-да, қаерда бўларди», деди. Сўнг «Кечқурун пулингизни қайтариб бераман», деб ишонтирмоқчи бўлди. Мен негадир ҳадиксираб, ундан ҳужжат сўрадим. Чўнтакларини кавлагандай бўлди-да, «Э, ака, гувоҳнома билан носвой уйда қолибди-ку!» деди. Сўнгра яна бир чўнтагидан милиция мундирида тушган суратини чиқариб, менга узатди, «Мана, олиб қолинг» деди. Уй манзилини ҳам ёзиб, тилхат берди. Сўраганини олди-ю, кетди. Мен шундан буён «лақиллаб» қолавердим. У милициядан ҳайдалган, кўп одамнинг пулини олиб, бермай юрган фирибгар экан. Ёзавериб, югуравериб, яқинда отасидан пулимни қайтариб олдим.

**Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Урганч шаҳри, 3-мавзеси**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

***Бундай хатлар сафини яна тўлдириш учун ҳужжатлар етарли. Бу ишлар Нурбекнинг биргина бозордаги «иш»лари. Изоҳга ҳожат борми? Йўқ. Милициядан «қувилган» шахснинг бир марта бўлса-да, «товланиши»нинг ўзи оғир жиноят. Қонун талабига кўра адолат юзасидан ҳам бундай шахсларга дарҳол чора кўрилиши, пуллар эгаларига қайтарилиши керак. Ёки кимдир Нурбекни жамият учун хавфи йўқ шахс, деб ҳисоблайдими? Ҳозир у мундирда тушган фотосуратини рўкач қилиб, кимнидир лақиллатмаяптимикин?***

# ТАДБИРКОР «ТЎСИҚ»НИ СУДГА БЕРДИ ВА... ЮТИБ ЧИҚДИ

**(Боши 1-бетда)**

У Исоқ ота Абдуллаев фирмасида ишловчи кўп сонли одамлардан бири экан. Лекин металл йиғиш ва четга чиқариб пуллашни бошқа шериклари билан алоҳида амалга ошириб келган бўлиб, бу қилмиши тадбиркор «Исоқ ота» фирмасига алоқадор эмас эди.

Шу ерда ўйланмаган бир чигаллик рўй берди. Республика «ойнаи жаҳони» орқали божхона хизмати узатган хабарда «ўғирланган металлар хивалик «Исоқ ота» фирмасига тегишли экан», деган мазмунда эълон бериб юборилди. Бу тадбиркор ота учун оғир зарба эди. Хафа бўлди. Фиғони фалакка кўтарилди. Дўстларининг қўнғироғи бағрини бир ўртаса, баъзи «хайрихоҳ»ларининг «қалайсиз»лари қон босимини оширарди.

Исоқ ота гангиб қолди. Ўнлаб идораларга (балки кўпроқ) бундай ноҳақ хабарни тузатиш хусусида қўнғироқ қилди. Шахсан ўзи эшикма-эшик югура бошлади. Хатлар, шошилинчномалар жўнатди. Хоразмдан Тошкентга ҳам икки бор қатнади. Отанинг ҳақ эканлиги, унинг фирмаси номи асоссиз ёмонотлиқ қилинганини ҳеч ким рад этмади. Шу билан бирга бир оғиз «тузатиш» беришга ҳам кимларнингдир журъати етишмади.

Отанинг «Бир оғиз раддия учун судлашиб ўтирмайин, ахир бу мени - тадбиркорни оз сарсон қиладими, ишим қолиб кетади, ортиқча расмиятчилик, қоғозбозлик кимга керак?» деган мурожаатига бир нуфузли идора бутун бошли қоғозни тўлдириб, унинг ўзи яхши билган «судлашиш ҳақида»ги қонунни роса «тушунтирган» жавоб хати жўнатибди.

Тадбиркор ота бу ҳақдаги барча ҳужжатларни ўз аризасига илова қилиб, таҳририятимизга ҳавола этибди, газетада босишимизни илтимос қилибди, ёрдам ёки маслаҳат сўрабди...

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

**Исоқ ота, маъқул топганимиз ҳам, қўлимиздан келгани ҳам Сиз дуч келган иккитагина муаммони газетада эълон қилиш бўлди. Назаримизда моҳиятни ўқувчи, қолаверса, тегишли идоралар мутасаддилари тўғри тушунишади, хулоса қилишади. Сиз ва фирмангиз номини, агар асоссиз бўлса, қора қилганларни судга беринг, деб маслаҳат бермаймиз. Чунки ушбу хабаримиз ҳам ўзига хос ечим. Балки айримлар учун - тўқмоқ. Жамоатчилик учун эса хулоса ролини ўтаса керак.**

**Ишларингизга омад, ёшулли! Тадбиркорликни яратувчилик билан боғлаб, отни ирғишлатаверинг, отахон. Ўйлаймизки, Исоқ ота рангли металл йиғмаган ва ўғирламаган бўлса-да, темир иродани «запас» қилган. Муҳими, отахон Сиз ҳақ бўлгансиз. Қонун Сиз ёнда, жумладан, «Инсон ва қонун» ҳам...**

*Хотира-умид чечаги*

# ОДИЛ ИНСОН ЭДИ



Инсоннинг иккинчи умри — бу ундан қолган ёрқин хотиралардир. Агар инсон ҳаётда ўз меҳнати, яхши фазилатлари, ўстирган фарзандлари билан яхши из қолдирса, авлодлар буни унутмайди. Зотан, шоир айтганидек:

***Кеча бола эдик, бугун отамиз,***
***Умрни шонли меҳнат сафари дерлар.***
***Ҳаётда яхши из қолдириб кетсак***
***Авлодлар бизга ҳам «офарин» дерлар.***

Андижонликлар таниқли ҳуқуқшунос, раҳматли Рашидхон Аҳмедовни ана шундай ёрқин хотиралар билан ёдга олишади. Чунки у ўзининг ҳалоллиги, ростгўйлиги, камтарлиги, адолатпарварлиги, ҳуқуқшунос сифатида одиллиги билан ҳаётда яхши из қолдириб кетган.

Рашидхон ака 1950 йилдан бошлаб 1992 йилгача қирқ икки йил давомида Андижон вилоят прокуратураси тизимида садоқат билан хизмат қилди. Бу йиллар давомида у вилоят прокуратурасида жиноят-судлов прокурори, Избоскан тумани, Андижон туманлараро, Асака шаҳри прокурори лавозимларида ишлади. Вилоят прокуратурасида терговбўлими бошлиғи бўлди. 1978 йилда унинг бу соҳадаги ҳалол хизматлари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан тақдирланди.

- Одиллик у кишининг энг асосий фазилати эди, - деб хотирлайди унинг рафиқаи муҳтарамаси Мамлакатхон ҳожи ая. - Ҳатто уйимизга қамоқхоналардан хатлар келар эди. Ҳаётда йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кирган кимсалар кўзи очилиб, бу йўлдан қайтгани ҳақида ёзишар эди. Мана, ҳали ҳамон ўша ўзимиз қурган хом ғиштли уйимизда унинг чироғини ёқиб ўтирибман. Раҳматлининг бойлик, мол-мулкка эмас, уйга, оилага меҳр-муҳаббати баланд эди.

Дарҳақиқат, Рашидхон аканинг сафдошлари, у билан бирга бир даврда ишлаган фахрийларнинг айтишича, у ҳалолликни ғоят қадрлаган ва кундалик ҳаётида унга амал қилган. Ҳар қандай шароитда ҳақиқатни айтиш, унинг кўзига тик қараш унинг ҳаётий принципи эди.

У прокурор сифатида талабчан бўлиш билан бирга ҳам адолатли, ҳам раҳмдил эди. Энг муҳими, у ҳеч кимнинг ноҳақдан жазо олишини, бекорга ёки туҳматдан «бурни қонаш»ини истамас эди. Шул боисдан ҳам қилни қирқ ёриб ишлар эди.

Ҳали «қизил империя»нинг пичоғи кесиб турган даврда ҳам Андижонда таниқли тадбиркор, ишбилармон, машҳур «Намуна» фирмасининг раҳбари раҳматли Зокиржон Иброҳимовни ноҳақ туҳматлардан ҳимоя қилиб, Москва қамоқхоналаридан қутқариб келди. Яна ўз ишига тикланишига сабабчи бўлди.

Бугун Мамлакатхон ҳожи ая фарзандларига бош бўлиб, қалбида бир олам эзгу хотиралар билан унинг чироғини ёқиб ўтирибди. Энг сўнгги хотира - уларнинг ҳар иккиси ҳам 1995 йилда мустақил давлатимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланган эди. Андижон шаҳар ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Абдуллажон Собиров уйларига келиб, медални топширган эди.

Яхши одамдан энг яхши хотира унинг фарзандлари экан. Рашидхон аканинг беш қизи ҳаммаси олий маълумотли - Раънохон, Муҳтарамхон, Равшанойлар врач, Моҳинур - педагог, Моҳидил - иқтисодчи, ёлғиз ўғли Ёрқинжон тадбиркор. Унинг таълим-тарбиясини олган жияни Адҳамжон олий тоифали врач, Андижон Давлат тиббиёт институти клиник шифохонасининг бош врачи, республика Олий Мажлиси депутати бўлиб етишди. Уларнинг ҳар бири ҳаётдан ўз ўринларини топишиб, эл-юрт хизматида.

Хотиралар уйғоқ экан, Рашидхон Аҳмедовнинг ҳаётда қолдирган изи ҳеч қачон ўчмайди. Унинг чироғи ҳамиша ёниқ.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Инсон ва қонун» махсус мухбири**

Алҳазар!

# ФАҲШ ТЎШАГИГА ТЎКИЛГАН ҚОН

Ақлу фаросатини жиловлай олмаган одам шайтанат дунёсининг қулига айланади. Шаҳрисабзлик Шуҳрат ва Дилмурод исмли йигитлар бу гўзал, рангин ҳаётга қадам қўйиб, ақлу фаросатга банда бўлиб, яхшилар қаторидан ўрин олиб, бинойидай умр кечирсалар бўларди. Улар балоғатни нопоклик йўлига очилган дарча, деб билдилар. Ҳаш-паш дегунча иккаласи ҳам ўғирлик қилиб, «ўтириб чиқишди». Тавба-тазарруни эса тил учида айтишди. У ёқдан қайтиб келиб бирор тайинли касбу корнинг этагидан тутмадилар ҳам. Алдаб пул топиш, ҳаром пулга айшу ишрат қилишга берилдилар. Кўр кўрни қоронғуда топибди деганларидек, ўтган йилнинг охирларида Шуҳрат Дилмуродни топдими, Дилмурод Шуҳратни топдими, у ёғи бизга қоронғу, икки «қисматдош» учрашиб қолиб, айшу ишрат қилмоқчи бўлдилар.

- Воҳ-воҳ, жуда соғиниб юрибману пулим йўқ-да, - деб жовдиради Дилмурод Шуҳратга.

- Бу ёғини ўзимга қўйиб беравер, сен яхшиси, хилватроқ жойдан квартира топ.

Дилмурод хуфия уй қидириб кетди.

Шуҳрат эса Р. исмли қўшмачи хотинни топиб, унга 2000 сўм узатди.

- Янгажон, бир кечалик битта жонон топинг...

- Ука, сиз эски мижозимиз, пулингиз озроқ бўлса ҳам майли. Ўзингизнинг эски жазманингиз З.ни қўшиб юбораман. Лекин ҳеч ким кўрмасдан, тонг пайти қайтиб келсин.

- Йўғ-е, бир кеча ўйнабкулиб, эрта тонгда қўлингизга гулдай қилиб топшираман!

Шуҳрат З.ни қўлидан етаклаб олиб чиққанда Дилмурод «кавартир» тополмай, шўппайиб қайтиб келиб турганди.

- Уқувсиз бўлмай ўл, - дея ўқрайди Шуҳрат.

Худди шу пайт Шуҳратнинг холасини ўлдириб, «у ёқда» ўтириб чиққан, ҳозир сўққабош яшайдиган Иргаш бобо учраб қолди. Бобо улар ёнидаги ёшгина жувонни кўриб, бир ютиниб қўйди-да, «Қани йигитлар, йўл бўлсин!», деди. Шуҳрат собиқ поччасини четга тортди.

- Марҳамат, бизнинг уйга боринглар, хилват жой, ҳеч ким халақит бермайди. Фақат бизгаям «сарқит»ларингдан гашти бўлсаям узатиб қўйсаларинг кифоя.

Уч эркак, бир аёл Иргаш бобонинг уйига йўл олишди. Бобо уларни сийлаб, зиёфат қилди. Йигитлар оқшомдан тонггача зинокорлик деган нафс балосининг «кўзи»ни ўйишди. Субҳи козибда улар маишатга нуқта қўйиб, «жононни» уйига элтиб қўйишга шошилганда, Иргаш бобо йўлни тўсди:

- Йигитлар, сизлар тун бўйи маишат қилдинглар. Бизга навбат тегмади. Энди жононни бизга ташлаб кетасизлар.

- Ана, рози бўлса, ўзидан сўранг...

З. типирчилаб қолди.

- Р.опамга ўзингиз ваъда қилгандингиз. Соат 5 да уйга етмасам бўлмас, - Шуҳратга қараб ялинди жувон.

Шуҳрат ҳам дадилланиб, Иргаш бобога рад жавобини бериб йўлга тушмоқчи бўлди. Иргаш бобо шаҳд билан йўлни тўсди. Жаҳлланган Шуҳрат Иргаш бобони тепиб юборди. Аёл ҳовлига қочди. Иргаш бобо ёмон сўкинди. Энди Шуҳрат унинг қорнига ўхшатиб тепди. Бобо ҳушидан кетиб йиқилди.

- Холангни ўлдирган бу энағарни ўлдиришинг керак! - тезлаган бўлди Дилмурод. Ҳаволанган Шуҳрат эшик олдида турган болтани олиб, унинг орқаси билан Иргаш бобонинг пешонасига икки бор урганида тирқираб қон отилиб, хириллай бошлади. Дилмурод ҳам қараб турмай, жонсарак бобонинг томоғидан бўғди. Хириллаш тўхтаганда Шуҳрат қўлдаги болта билан бир «удар» қилиб, тинчитиб қўйди. Кейин жонсиз жасаднинг чўнтагини кавлаб, сандиқнинг калитини топишиб, уни очишди-да, 3900 сўм пулни олиб кетишди. Излар босилмай туриб, Шуҳрат Яккабоғдаги Лолазор қишлоғида қўлга олинди. Дилмурод эса қўлга тушгач, асосий айбни Шуҳратга ағдарди. З.нинг гувоҳлигидан сўнг тан олишга мажбур бўлди. Шуҳрат бундан сал аввалроқ икки кишининг пули ва молини алдаб олиб, бермай юрганди. Улар ҳам даъвогарлик қилишди. Шуҳратнинг бошқа айблари ҳам тасдиқланди.

Ўттизга кирмай, ўтин бўлган Шуҳрат Шарипов ва Дилмурод Қосимовлар одил суд ҳукми билан қонуний жазо олдилар. Машъум жиноятни яширган фоҳиша аёл ҳам тегишли «улуши»ни олди.

**Акмал МУҲАММАДИЕВ,**
**Шаҳрисабз туманлараро прокуратураси катта терговчиси, II даражали юрист**

# ДУНЁ ТАМАДДУНИНИНГ БИР БЎЛАГИ

*Тарих сабоқлари*

Дунёни маърифат қутқаради, маънавият, мағфират сарафроз этади. Тамаддунлар тарихи бунга гувоҳ. Инсоният юксак камолот сари фақат маърифат, маърифат ва яна маърифат орқали юз тутган. Маърифат — давр-эпохалар алмашинуви чорраҳасининг ҳал қилувчи умуммаданий ҳаракатларидан биридир. Феодал тузумдан капитализмга ўтиш босқичида Оврупо маърифатпарварлиги ғояси ҳамда у билан боғлиқ фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг бутун бир яхлит тизими ёхуд яқин миллий ўтмишимизнинг жадидчилик ҳаракати, унинг сиёсий-ҳуқуқий мақсад ва дастурлари фикримиз исботи бўла олади. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ҳам феодал муносабатларнинг тўлиқ инқирози, янгича ижтимоий муносабатларга асосланган ишлаб чиқариш тизими юзага кела бошлаган даврга тўғри келди. Жадидчилик ғоялари айнан ана шу «ўтиш» босқичи жараёнларини маърифий-мафкуравий, сиёсий-маънавий таъминлаганлиги билан мўътабар. Бу ғоя асосида «тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» (А.Авлоний), деган қатъий таълимот ётади.

«Инқилоб — ҳалокат, нажот —ислоҳот», деган устувор ғоя маърифий истиқбол мундарижаси билан ҳамиша ўзини оқлаб келган. Оврупода энди шаклланиб келаётган навқирон буржуазия ва маърифатли халқ оммаси феодал тузум ва унинг мафкурасига қарши курашишнинг узвий таркибий қисми сифатида айнан маърифатпарварлик ғояларини танлагани бежиз эмас. Худди шундай қараш Туркистонда кейинчалик жадидчилик ҳаракати, деб расман тан олинган ҳаракат тарихи учун ҳам муштаракдир. Ўрта аср феодал қадриятларини инкор этиш, янги инсоний муносабатлар оламини инкишоф этишдек ғоявий-мафкуравий, сиёсий кураш жараёнлари марказида энг эзгу, энг ориф ва демократик йўл — маърифат орқали дунёни ўзгартириш маслаги турди. Шундай ғоя пайдо бўлганининг ўзи туб моҳияти билан цивилизация эди.

Яқинда дунёвий тамаддуннинг шарқона, аниқроғи, туркистонча шамойили, моҳият ва қонуниятларини, тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, умумлаштириш муаммоларини махсус тадқиқ этаётган Рустам Шариповнинг «Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари» рисоласи «Адолат» нашриётида чоп этилди.

Рисолада жадидчилик ҳаракатининг Заки Валидий Тўғон, мустафо Чўқай сингари вакиллари, Қўқон Мухторияти Муваққат Ҳукумати таркибига кирган бошқа зиёлиларнинг сиёсий фаолиятлари, ҳаракатнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий дастурлари ва улардан келиб чиқувчи вазифалар илмий тарзда умумлаштирилган.

Дастур ва улар билан боғлиқ вазифаларнинг туб сиёсий-ҳуқуқий моҳиятлари ҳақида ўқир эканмиз, маърифатпарварлик ғояси, унинг мақсад ва вазифалари борасида бевосита таҳлилий мушоҳада юритишга тўғри келади.

Маълумки, маърифатпарварлик мазмуни учун энг аввало, икки ҳолат характерли. Биринчиси, ҳаракат ва ғоянинг ижтимоий ҳамда ахлоқий идеали. Иккинчиси, шу идеални амалга ошириш режаси. Жадидларнинг ижтимоий-ахлоқий идеали маърифат орқали адолатли жамият барпо этиш, миллий камолотнинг янги сифат моҳиятига ўтиш эди. Ана шу олий мақсадга етишнинг сиёсий-ғоявий йўллари жадидчилик ҳаракати сиёсий ва ҳуқуқий дастурларининг асосини ташкил этар эди. Р.Шариповнинг мазкур муаммога жиддий эътибор қаратгани ҳам айнан ана шу омил билан боғлиқ.

Жадидлар фикрича, маърифат орқали эришилажак одил тузумда озод, эркин шахс билан адолатли жамият уйғунлиги тантана қилади, инсонпарварлик ижтимоий ҳаётнинг олий нормасига айланади. Жадидлар одил жамият барпо этиш билан боғлиқ орзу-умидларини омма онги ва руҳидан қулликни, манқуртликни сиқиб чиқариш, қолоқ ва ёвуз феодал-аристократик қоидалар, ахлоқ ҳамда анъаналарни барҳам топтириш, кейинчалик эса қарамлик, мутелик исканжасидан озод бўлиш, мустақилликка эришиш ниятлари билан боғлашди. Миллий тараққиётнинг ёвуз инқилобий йўлини эмас, балки босқичма-босқич туб ислоҳий тадрижий йўлини танлашди.

Дарҳақиқат, рационал билимларни эгаллаш орқалигина зулматда ва аросатда қолган халқ ҳаётини ўзгартириш, ижтимоий ҳаётга инсон омили билан боғлиқ қадриятларни сингдириш мумкинлигини жадидлар яхши англаб етишган ва бу комиллик, Р.Шарипов эътироф этганидек, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий дастурлари концептуал асос - моҳиятини белгилаган эди.

Дастурда шахснинг сиёсий, ахлоқий, эстетик-урфоний ва ҳуқуқий тарбияси жараёнларига, унинг эзгулик, адолат, гўзалликка, озод ва эркинликка бўлган ташналигини қондиришдек тақдириломон қадриятларга алоҳида эътибор қартилган эди. Жадидчилик ҳаракатининг машҳур мафкурачилари сиёсий-ҳуқуқий таълимоти ва фаолиятини тадқиқ этган муаллиф Туркистон маърифатпарварларининг миллий ва ижтимоий-тарихий муҳитга хос хусусиятларини таҳлил этади, озодлик ҳамда мустақиллик билан боғлиқ бўлган мафкуравий-сиёсий омилларига диққатни тортади.

Жадидчилик ҳаракати Туркистонда сиёсий-мафкуравий, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривожига фавқулодда таъсир этди, миллий маърифатпарварлик ҳаракатининг моҳият ва қиёфасини белгилади. Бу моҳият ва қиёфа негизида эса миллий камолотнинг янги сифат босқичи, жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ҳамда эртанги буюк келажаги, маърифий тамаддун истиқболи мужассам. Рустам Шариповнинг мўъжаз рисоласини ўқиганлар ҳақиқатан илмий-тарихий ва маърифий сабоқ чиқаришлари шубҳасиз.

**Нарзулла ШОДИЕВ,**
**профессор**

Газета аралашгач...

# ТАНҚИД ТЎҒРИ ЭКАН

«Инсон ва қонун» газетасининг 2000 йил 1 феврал сонида босилган «Анойи эмас экан» сарлавҳали мақола вилоят судида кўриб чиқилди.

Унда Қарши шаҳар суди судьяси Ҳ.Ҳаитов томонидан судланувчи Тўрақулов Ислом Усмоновични Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а» банди билан айблов иши кўрилаётганда ноқонуний йўл тутганлиги танқид қилинган бўлиб, фактлар тўлиқ тасдиқланди.

Мазкур иш вилоят прокурорининг келтирган протести асосида вилоят суди Раёсатида кўриб чиқилиб, ҳукм ғайриқонунийлиги сабабли бекор қилинди ва янгидан кўриш учун бошқа суд таркибига жўнатилди.

**К.ТОШПЎЛАТОВ,**
**Қашқадарё вилоят судининг раиси**

# Қололмас жаҳон ичра мангу киши, Фақат қолгуси яхши ному иши.

Ҳуқуқшунос илҳоми

## ҲАҚНИ СЕВГАН ХАЛҚИ БИРЛАН...

*Академик Ҳадича СУЛАЙМОНОВА хотирасига*

(Мувашшах)

Худо бергай ҳар кимга бахт, ўзга бахт ёлғон бўлур,
Ҳақни севган халқи бирлан бир тану бир жон бўлур.

Айланур гардиши даврон не замон гирдобида
Ким адолат соҳиби, у - хуршиди даврон бўлур.

Дилда туғён урса жўш, жон ҳеч ҳаловат истамас,
Бу тириклик кимга эрмак, кимгадир имкон бўлур.

Илму ишга кўнгил қўйган етмиш охир муродга
Элда мангу эъзоз топиб ҳазрати инсон бўлур.

Чин ҳаётнинг умри боқий, бахти ҳам буюк экан,
Қанча муҳлат ўтса, шунча шуҳрати достон бўлур

Асли улуғ зотлар учун ушбу шеър бир қатра.
Гулчеҳра гар тузса наво ёзгани девон бўлур.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

## ЖЎРА ЁНБОШ

*ёхуд Жўра САТТОРОВ ҳаёт йўлига бир назар*




Давраларда у киши ҳақида гап кетганда, баъзи бировлар кураш тушганда рақибини ёнбошлаб бошидан чиллакдек ошириб отиб юбораверганi учун «Жўра ёнбош» лақабини олган деса, яна бировлар гавда тузилишида бирорта номутаносиблик бўлгани учун шундай аташса керак, дейишади. Майли, ким нима деса деяверсин...

Энди гапни биздан эшитинг. Жўра ака Сатторов асли форишлик. У 1942 йилдан то 1944 йилгача немис-фашистларига қарши курашда Харьков, Сталинград жангларида қатнашди. Душманга қақшатгич зарба берилаётган кунлардан бирида чап қўлидан ярадор бўлиб, ватанига қайтиб келди. Бироз муддат ўтиб, соғлигини тиклагач, боғ-роғлар яратиш ниятида Қудукча қишлоғидан Тўсинсой қишлоғига оиласи билан кўчиб келди. Бу ерларда сув роса кўплиги айни муддао бўлди. Жўра ака дарҳол енг шимариб, ишга киришиб кетди. Унинг ташаббуси билан 3 гектар тераксор, 15 гектар боғ, 32 гектар токзор барпо этилди. Қудуқни бир киши қазийди, сувни ҳамма ичади, деганларидек, Жўра Сатторов етиштирган ширин-шакар ноз-неъматлардан фақат пайариқликларгина эмас, балки бутун Самарқанд, Ўзбекистон аҳли баҳраманд бўлиб келаяпти.

Энди одамларнинг «Жўра ёнбош» деб аташига келсак, ҳали-ҳали Жўра аканинг эсида. 1950 йиллар эди. Ўша пайтда бир қариндоши тинчлик ва маъмурчилик кунларининг тантанаси сифатида узоқ ва яқиндаги қариндошларини чорлаб, дастурхон ёзди. Меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб, хайр-хўшлашиш унинг зиммасига юклатилган эди. Ногаҳон тўй сўнгида Самарқанд шаҳридан 5-6 нафар азиз меҳмон келиб қолди. Шунда амакиси мулла Ҳаққул:

- Ҳа, Жўравой, бўшашманг, дадил бўлинг. Меҳмонлар ёнида бош бўлиб, ёнбошга бошланг, ёнбошга, - деб қолди.

Жўра ака тезда ҳушёр тортди. Меҳмонлар ёнида бош бўлиб, ичкарига бошлаб кетди. Амакисининг бу сўзларига фаришталар ҳам қўшилган эканми ёки ўша меҳмонлар ичида Хизр бобо ҳам бўлганмикин, ҳайтовур, иши кун сайин авж олиб кетди. Дастлаб бригадирлик қилди. Кейин бўлим бошқарувчилигидан хўжалик раҳбари муовинигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу эса айтишга осон. Унинг замирида қанча заҳматлар ётганлигини фақатгина у ҳис эта олади. Шундай қилиб, Жўраёнбош лақаби билан эл-юртга танилди. 8 нафар фарзанднинг отаси, 35 нафар неваранинг, 13 нафар чеваранинг бобоси бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Ҳозир вилоятда ҳам, туманда ҳам устозимсиз, отамсиз, деб Жўра Сатторовнинг ўнгиридан маҳкам ушлаганларнинг саноғига етиш қийин. Ўзингизга яхши аён. Одамлар ҳаммани ҳам бундай ҳурмат қилавермайди. Кўпгина раҳбарлар бирор иш қилгудек бўлса, отахондан йўл-йўриқлар сўрагани тез-тез келиб туришади. Ўз навбатида отахон ҳам беминнат маслаҳатларини, керак бўлса ёрдамини ҳеч қачон аямайди. Отахоннинг ўзига хос бир ажиб хусусияти шундаки, бир салом-алик бўлган одам у киши билан ўла-ўлгунча яқин дўст, қадрдон бўлиб қолади.

Отахон 1997 йили «Халқобод» жамоа хўжалиги қошида «Жўра ёнбош» очиқ турдаги масъулияти чекланган ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, кўплаб ишсиз юрган қишлоқдошларини иш билан таъминлади. Айни бир пайтда Зармитан олтин кони ишчи-хизматчиларининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондирди. Отахон ҳозир бу хўжаликни ишонч билан ўғли Кароматга топширган. У ота изидан боришга қатъий аҳд қилган. Шу кунларда унинг ихтиёрида 80 бош қорамол, 300 бошга яқин қўй-эчкилар, 15 гектар боғ бор. Мақсади - чорва туёғини кўпайтириш, боғ-роғларни янада яшнатиш. Фарзандларидан отахоннинг эса кўнгли тўқ.

Раҳматли амакиси бекорга Жўра ёнбош демаган экан. Жўра Сатторов пенсияга чиққанига қарамасдан, қайсидир маънода қишлоқдошларига, фарзандларига, невараларига бош бўлиб Президентимиз Фармонларини ҳамда ҳукуматимиз қарорларини тўлатўкис адо этилишига барчани чорлаб келади. Бундай отахонлари кўп эл эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Суратда:*
*Жўра ака Сатторов невараси Дилдора билан.*

---

*Буюк ғалабанинг 55 йиллигига*

## СОБИҚ ЖАНГЧИ

**У ҳамон жанг қилаяпти. Урушда фашизмга қарши курашганди. Ҳозир эса...**

**(Боши 1-бетда)** - Нега ундай қилдингиз, Раҳимбой ака, ахир, айб отанинг ўзида эди-ку, - деди ношукур фарзандга жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукмни ўқиб эшиттиргач судья маслаҳатчига.

- Орадан иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат кўтарилмасин, қонунларимизнинг обрўси баланд бўлсин, дедим-да болам, оқпадар фарзандга бериладиган жазо бошқалар учун ҳам бир панд бўлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку?! - дангал жавоб берди Раҳимбой ота.

Отанинг кўп йиллик маслаҳатчилик фаолиятида рўй берган бундай воқеалар қанчадан-қанча. Инсон тақдирини ҳал қилиш жўн ишмас. Боз устига бундай юмушлар ҳар икмнинг ҳам зиммасига юклатилавермайди. Ўзгаларни пок ва тўғри йўлларга солмоқ учун авваламбор ўзинг пок ва тарбияланган инсон бўлиб танилмоғинг керак. Бу борада Раҳимбой отага ҳавас қилса арзийди. Бир қарашда оддий ҳайдовчининг жамоат ишларида, эл-улус орасида, қолаверса, инсон тақдири ҳал этиладиган мўътабар даргоҳларда эътиборга тушиши нотабиийдек туюлади. Бироқ эл ишида танилмоқ, ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқ учун лавозимли вазифаларда «тер тўкмоқ» шарт эмас. Хуллас, суд маслаҳатчиси Раҳимбой ота Қозоқовни Урганчда танимаган-билмаган, ҳурматини жойига қўймаган, одамийлигига тан бермаган, ўгит ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлмаган киши йўқ ҳисоб.

Иймон-эътиқодли ўзбеклар юртида эл эъзозини қозонмоқнинг йўли битта — инсонийликни улуғламоқ! Одам боласи кимданки кўпроқ наф кўрса, ўшанга юкинади, ўшанга суянади, ўшани суяди, эргашади, эъзозлайди. Раҳимбой ота ҳеч маҳал бировнинг кўнглини пул, ширинлик ёки совға-салом инъом этиб овламаган, овлолмаган. Унинг ягона инъоми - тўғри йўл-йўриғу тўғри маслаҳат, оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик. Сизга айтсак, бу бировларнинг кўнглини мол-дунё бериб овлашдан кўра юз чандон мушкул, аммо хайру савоб иш. Негаки, пул, мол-дунёни (агар у кимдаки мавжуд бўлса) чўнтагига қўл солиб, олаверади. Одамларни ақл, билим, салоҳият кўмагида намоён бўладиган инсонийлик сари ундамоқ учун эса чўнтакка қўл тиқишнинг нафи йўқ. Чунки ақл чўнтакдан эмас, юракдан ёғилади. Уни қалбдан олиб, қалбларга солмоқ учун киши кўп юрмоғи, кўп кўрмоғи, оқ нимаю, қора нима; бари-барини билмоғи ҳаётидан, ён-веридаги одамларнинг хатти-ҳаракатларидан ва бўлаётган воқеалардан ягона тўғри хулоса чиқара олмоғи керак. Эл-улус ана шундай фазилатларни ўзида намоён этолганларни тан олади, шундайларни суяди, юкинади, зарур келса мадад ва паноҳни ҳам уларнинг дарёдил қалбидан излайди. Ҳаётда ўзгаларга йўлчироқ бўлмоқнинг бошқа бир тақозоси ҳам бор. Турмушнинг аччиқ-чучугини, оғир ва енгилини татиганларгина бу мақомга етишадилар.

Раҳимбой ота - серқирра, серғалва ва айни пайтда асалдек ширин ҳаётнинг ана шу пиллапояларидан ўтолган, турмуш синовларига мардонавор дош бериб, унинг лаззатларидан баҳраманд бўлолган инсон.

- Ўзгалардан мадад ва мурувват ололмаган инсоннинг яна бировларга меҳр-оқибат кўрсатиши амри маҳол, - дейди Раҳимбой ота 75 йиллик умри зарварақларига разм сола туриб. - Ўшанда ўлиб кетишимга бир баҳя қолганди. Мабодо, қадрдон аскар дўстим асраб қолмаганида 55 йил муқаддам ўлиб кетган бўлардим. Даҳшатли уруш майдонида дўстимдан кўрган яхшиликни афсуски, унинг ўзига қайтаролмайман. Эл-юртга, маҳалла-кўйга қанчалик кўп хизмат қилсам, дўстим олдидаги ҳаётий қарзимни ҳам кўпроқ узган ҳисоблайман. Ҳали ҳаётдан, одамлардан қарзим кўп.

...Отани ҳаётдан, одамлардан бир умр қарздор, бурчдор қилиб қўйган нарса чиндан ҳам устига муқаррар бостириб келган ажал домидан омон қолгани. Инсон табиати, ҳаётга бўлган қарашларини ўзгартириб юборган ўша машъум воқеа пайқаганингиздек улуғ жанггоҳда содир бўлди.

Хоразмлик марҳум қаламкаш-олим Э.Бекматов битган китобда бу ҳақда шундай жумлалар бор:

«...Дўстлик ҳар ерда керак. Урушда эса жуда зарур. Раҳимбой Қозоқов пиёдалар взводида Михаил Козлов деган сибирлик рус йигити билан ниҳоятда дўстлашиб қолди. Мовий кўз, малла соч Миша - Тюмендан, девсифат Раҳимжон эса Хоразмдан.

Раҳимжон чор-атрофда гарчи аёвсиз жанг кетаётган бўлса-да, нуқул ўзбекча ҳазил қўшиқларни хиргойи қиларди. Миша эса қўшиқ шайдоси. Уни қўшиқнинг ўзбекча оҳанги сеҳрлаб қўйган. Миша қўшиққа ихлоси боис Раҳимжон кўмагида ўзбек тилини ҳам қунт билан ўрганишга киришди. Бора-бора дўстининг ҳазил қўшиқларини русчага таржима қилишни ҳам ўрганди.

Дўстлик кучга-куч қўшади, қўллаб-қувватлайди. Ана шу дўстлик бўлмаганида Р.Қозоқов ўшандаёқ душман ўқига учиб, жон таслим қилиши ҳеч гап эмасди.

Бу воқеа Чехословакиянинг пойтахти - Прага шаҳри учун бўлган жанг чоғида рўй берди. Қозоқов ўз автомати билан кўп қаватли уйлардан бирига кириб, яширинишга уринган фрицни таъқиб қила бошлади. Тўғри, уни битта ўқ билан асфаласофинга жўнатса ҳам бўлаверарди. Бироқ Раҳимбойга фашистнинг тириги зарур. «Тил» жангда кўп иш бериши мумкин. Жангчи «тил» билан оввора бўлиб, орқасидан найзали автоматини ушлаганича писиб келаётган яна бир ғанимни пайқамай қолди. Афтидан у Раҳимбойни ими-жимида тинчитиб, шеригини қутқариб қолмоқчи. Шу топ яқингинадан ўқ овози янгради. Раҳимбой шоша-пиша ён-верига разм солди. Не кўз билан кўрсинки, ўткир тиғ ушлаган фриц унга томон эниб келарди. Жангчи зудлик билан найзага чап берди. Фриц жимгина ерга қулади. Шу маҳал ортдаги муюлишдан кутилмаганда Миша чиқиб келди. Фашистни ерга қулатган ўқни у узганди.

- Агар Миша бўлмаганида тирик қолмасдим, - деди Раҳимбой ота жанггоҳда кечган умрини хотирларкан.

Раҳимбой отанинг 2 йиллик ҳаёти ажал маконида ўтди. Оловли жангга - ажалга рўпара умрнинг ҳар бир куни йилларга татийди. Хоразмлик жангчи шу фурсат мобайнида Руссия, Украина, Белорусия, Польша, Чехословакия, Германияни гитлерчи галалардан тозалашга фаол улуш қўшди.

- Машъум жаҳон уруши олови буткул ўчди, аммо қуролдошлар ўртасидаги дўстлик абадий қолди, - дейди Раҳимбой ота қониқиш билан».

Отанинг навқирон ёшлиги машъум жангтоҳларда кечди. Жанггоҳ эса бўладиган инсон учун чинакам чиниқиш мактаби. Унда одамзоднинг вужудигина эмас, табиати, қалби, дили ҳам тобланади. Таъкидланганидек, оқу қорани, дўсту душманни, яхши-ёмонни ҳам шу ерда фарқлайсан киши.

Ҳозирда 1-2 та ёт элни кезиб, ватанига қайтганларнинг аксарияти оқилу донолик даъво қилади, юқори амалларни кўзлайди. Раҳимбой ака бу йўлдан бормади, уруш кўрганини, кимларнидир кўкрак кериб ҳимоя қилганини бетга солмади, бу ишни ўзига эп ҳам кўрмади. 50-йили ҳарбийдан қайта солиб, урушгача ўзи ҳавас қилган касб - ҳайдовчиликнинг баридан ушлашни астойдил ният қилди. Юракка синган орзуни барибир қайтариб бўлмаскан. Орадан бир йил ўтмаёқ суйган касби оғушига қайтди. 8 йил мобайнида пахта ташишга мослаб жиҳозланган автомашинани бошқарди. Шундан сўнг қарийб 31 йил автомобилчилар тайёрлаш мактабида йўриқчи-ҳайдовчи бўлиб ишлади. Энди эса кексалик гаштини сураяпти.

- Сирасини айтсам, кексалик гаштини суриш учун отага кўпам имкон берилаётгани йўқ, - дейди Хоразм вилоят судининг ҳакамi С.Маматова. - Негаки, энди у «бизнинг одамимиз». 15 йил муқаддам пенсияга чиққан Раҳимбой отани маҳалладошлари вилоят суди маслаҳатчилигига тавсия этишганди. Ҳозир у бу ишончни тўла оқлаяпти. Уни излаганлар кўпинча бизнинг даргоҳимиздан топишади. Суд мажлисларидан деярли бўшамайди. Ёнимизда кўпни кўрган, шундай пиру бадавлат отахонимиз ўтирса, биз ҳакамлар ҳам ўзимизни дадил ва ишчан ҳис этамиз. Раҳимбой ота маслаҳатчи бўлган суд мажлисларидан шу пайтгача норизо бўлиб кетганлар деярли учрамади. Унинг ўгиту маслаҳатлари судда тарафлар сифатида қатнашаётганлар учунгина эмас, биз ҳакамлар учун ҳам аллақачон бир одамийлик мактаби бўлиб қолган.

- Вилоят судига маслаҳатчи қилиб сайлашган (ҳозир тавсия қилинади - А.С.)дан буён ўтган 15 йил давомида 200 дан ортиқ фуқаролик ва жиноят ишларини қараб чиқишда қатнашдим, - деди отахон. - Адолат ва ҳақиқатни юзага чиқариша баҳоли қудрат улуш қўшаётганимдан, элнинг корига яраётганимдан, ҳамюртларим орасида суд-қонунчилик идораларида ўрним борлигидан мамнунман.

Отанинг ҳаёт йўли ҳозирги навқирон авлод учун ибрат йўли. Бу йўлга синчков разм солиб, дилида ҳис-ҳаяжон ва туғён туйганлар албатта йўлдан адашишмайди. Раҳимбой Қозоқовнинг улуғ жанггоҳда ва тинч яратувчилик жабҳасида кўрсатган ажойиб жонбозлиги ва жасорати кўпгина жанговар медаллар, шунингдек, мустақил республикамизнинг «Жасорат» медали, Ўзбекистон Мустақиллиги нишони, ёрлиқлар, ташаккурномалар билан тақдирланган. Айни кезда у яна бир жамоат иши - Урганч шаҳар фахрийлар ташкилоти раёсати аъзоси сифатида ҳам қизғин фаолият кўрсатаяпти. Инсон жисман қариса-да, руҳан ҳеч маҳал қаримаслигига ёрқин мисол шу эмасми?

Хуллас, Раҳимбой оталарнинг бой ҳаёти ва меҳнат фаолияти — юксак инсонийлик мактаби. Бундай мактабнинг сабоғини олмоқ ва уни серқирра турмушда қўллай билмоқ фарзандлар, ворислар, авлодлар учун ҳаётий заруратгина эмас, фахр-ифтихор ҳамдир.

Ғалаба байрамингиз билан, Раҳимбой ота!

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



*Уларнинг хотирасига муносиб бўлайлик!*

---

*Қутлуғ ёш*

## ШОИР — ҲАЁТ БУЛБУЛИ



***Жангчи шоир Тўра Жуман 75 баҳорни қаршилади. Аммо бу баҳорларнинг ҳар бири, таъбир жоиз бўлса, юзлаб кўкламларга татигулик. Тўра ака инсониятни фашизм балосидан сақлаб қолиш учун бўлган жангларда қатнашиб, тўрт марта ярадор бўлди. Жанггоҳларда ёзган оташин шеърлари жанговар варақаларда пешма-пеш босилиб, қуролдошларининг ғалабага бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.***

***Ҳурриятни соғиниб кутган шоир истиқлол тонгини ўзининг ўтли сатрлари, ғазаллари билан қарши олди. Биз фурсатдан фойдаланиб, бугунгача беш минг беш юздан ошиқ ғазал ёзган жангчи-шоирни қўшалоқ байрами билан муборакбод этамиз.***

*Бирлашган таҳририят*

### ГЎЗАЛЛИК

Гўзаллик ҳар кишини бир қаратмай қўймайди,
Гўзаллик сеҳрлидир, боққан кўзлар тўймайди.

Гўзалликка майсалар пояндоз бўлишга шай,
Гўзалликка дуч келса, шамол хурсанд ўйнайди.

Кўрса сўлган хазонлар қайтадан кўкаради,
Кўрган инсон қалбида эзгу ҳислар қайнайди.

Гўзалликларга атаб гўзал ғазал ёз, Тўра,
Гўзаллик сеҳрлидир, боққан кўзлар тўймайди.

### КЎЗЛАРИМГА СУРТАМАН

Ўйилган қовоғингни кўзларимга суртаман,
Оқ, лўппи ёноғингни кўзларимга суртаман.

Ипакдек майин қўлинг кўришмоққа чўзилса,
Кафтингу бармоғингни кўзларимга суртаман.

Меҳмон қилсанг уйингда, кўкка етиб севинчим,
Неъмат бор товоғингни кўзларимга суртаман.

Хоҳла меҳр кўргизгин, хоҳла соч ғазабингни,
Тепсанг-да, оёғингни кўзларимга суртаман.

### БОЛАСИ ҲАМ ЯХШИДИР

Наслдор сигир, қўйнинг боласи ҳам яхшидир,
Чигит соф бўлса, пахта толаси ҳам яхшидир.
Баҳор келса яйловда меҳмон бўламан ҳар йил,
Қўзиларнинг қора, сур, оласи ҳам яхшидир.

Тоғда сайр қилишнинг гашт, сурури ўзгача,
Қирнинг ялпизи, равоч, лоласи ҳам яхшидир.

Мустақил Ўзбекистон жаннат мисоли, Тўра,
Унинг шаҳар, боғлари, даласи ҳам яхшидир.

### ИЖОД БАҒИШЛАЙДИ

Орзу, истак кишига зўр қанот бағишлайди,
Кўтаринки кайфият, куч, нажот бағишлайди.

Номард ниятга етмас, мардлар орзуга етиб,
Элига ҳам чинакам ҳур ҳаёт бағишлайди.

Кучли интилиш билан янгиликлар яралар,
Талантлилар эл-юртга кашфиёт бағишлайди.

Беш минг беш юздан зиёд ғазални ёзди Тўра,
Демакки, орзу унга кўп ижод бағишлайди.

### ҲАЁТ БУЛБУЛИ

Шоир сўз уммонидан дурни кўрсатар бизга,
Шоир - ҳаёт булбули, чирой беради сўзга.

Яхши шоир - энг яхши ғоянинг фидокори,
Вафодор бўлишликни ўргатар ўғил-қизга.

Шоир юраги - давот, тандаги қони - сиёҳ,
Дунё гўзаллигини улар кўрсатар кўзга.

Улар қалами, Тўра, ёзишга кўп равондир,
Яратолмас роҳатбахш чашма шоирдан ўзга.

**Тўра ЖУМАН**

---

*Йўқлов*

## «ЯНА БАҲОР КЕЛАДИ»

Ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўли, турмуш тарзи билан яшаб ўтади. Ёшини яшаб, ошини ошаб ўтиш ёруғ дунёда барча учун чексиз бахт. Ана шу бахт замирида ёруғ дунёдан лаззатланишдек фалсафа мужассам. Болалик, ўсмирлик ортда қолгач, биз ҳаммамиз катта ёшли, теран кўзли инсонлар сафидан ўрин оламиз. Ушалмай қолган орзу-умидларни шоирларимиз армон деб айтишади.

Навоий вилоятининг тоғли Нурота туманида Ҳасан ота деган мўъжаз қишлоқ бор. Бу ерда самимий, кўнглидарё одамлар яшайди. Қўли-қўлига тегмас меҳнаткаш деҳқонлар, чорвадорлар юрти. Нурота табиатидек одамлари ҳам очиққўнгил. Меҳмон келса, борини тўкиб солади. Хулласки, таърифи минг сўзга жо бўладиган ўзимизнинг ўзбеклар. Ана шу қишлоқда уста Ҳайдар номи билан таниқли инсон бор. У киши кўплаб фарзандларни улғайтирган. Дастлаб фарзанд турмади. Кейинчалик уларга Оллоҳ тўкис бахт берди. Уч қиз — Сафура, Марварид, Сабоҳат туғилди. Тилаб олинган ёлғиз ўғил Ғофуржон ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ халқ орасида танилган ўқитувчилар Боймат Алматов, Сайидқул Менглиев, Исматилла Пиримовлар қўлида таълим олди. Ўткир зеҳни, тиришқоқлиги билан тенгкурлари орасида ажралиб турди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Талабаликнинг ўтолов давридаёқ у ўзининг бу соҳага лаёқатли эканини намоён қилди.

Дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган Ғафуржон Аннақулов Самарқанд вилоят судида суд котиби сифатида иш бошлади. Ўша пайтларда Самарқанд вилоят суди раиси вазифасида ишлаган Абдил Тўхташевдан ҳуқуқшуносликнинг, суд жараёнининг сир-синоатларини тиришқоқлик билан ўрганди ва бу жамоада катта ҳурматга сазовор бўлди. Кейинчалик уни Самарқанд вилояти адлия бошқармасига ишга таклиф қилишди. Бу ерда ҳам Ғафуржон сидқидилдан меҳнат қилди. Аммо кутилмаган ўлим уни жуда эрта, 26 ёшида орамиздан олиб кетди. У 1993 йилда Қўшрабод тумани ҳудудида автомобил ҳалокати туфайли ҳаётдан фожиали кўз юмди.



Ғафуржон ёлғиз ўғил эмасми, ота-онаси орзу-ҳавас илинжида ҳали 3-курс талабаси пайтидаёқ уйлантириб қўйишган эди. Турмуш ўртоғи Саида Назарова билан уч фарзанд кўришди. Бугун ундан Шавкатбек, Лутфия, Исомжонлар ёдгор бўлиб қолишди. Илоё, отасининг умрини ҳам уларга қўшиб берган бўлсин...

Ёш, тиришқоқ ҳуқуқшуноснинг номзодини ўзи хизмат қилаётган жамоа Қўшрабод туман суди раислигига тавсия қилишган эди. Кутилмаган фалокат дўст-ёр, ота-она, суюкли фарзандларни, ҳамкасбларни бу ажойиб инсон меҳридан жудо қилди. У ҳаётдан эрта кўз юмди, аммо ундан унутилмас хотира, бетакрор фазилатлар ёд бўлиб қолди.

- Ғафуржон Аннақулов талабалигидаёқ барчамизнинг эътиборимизни тортган эди, - деб хотирлайди таниқли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари доктори Зиёдулла Муқимов. - Биз уни ўша пайтдаёқ илмий ишга таклиф қилган эдик. Кейинчалик у вилоят судида, адлия бошқармасида хизмат қилиш билан бирга факультетимиз жамоаси билан ҳамкорлигини узмаган эди. Биз уни эндиликда тадқиқодчи сифатида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда факультетимизга таклиф этаётган эдик. У қисқа вақт ичида ўз қобилиятини намоён этиб улгурган эди.

Ғафуржоннинг ўз соҳасининг ўткир билимдони бўлиб етишишида тоғаси, кўзга кўринган олим, тарих фанлари доктори, профессор, Мавлон Жўрақуловнинг хизматлари катта эди. У киши ҳамиша Ғафуржонни тинимсиз изланишларга даъват этарди.

Ғафуржон бугун орамизда йўқ. Лекин унинг ёрқин хотираси дўст-биродарлари, яқинлари ва фарзандлари қалбида барҳаёт. Ғафуржон Аннақулов фарзанди тўйига тараддуд кўраётган эди. Минг афсуски, бу унга насиб этмади. Ушбу сатрлар унинг ўлимидан кейин марсия тарзида битилди.

*Яна баҳор келади,*
*Ҳасан ота бўйига.*
*Етиб келинг, тоғажон,*
*Шавкатбекнинг тўйига.*

*Ёзбола, ёлғиз бола,*
*Яшасанг бўлмасмиди?*
*Онанг сени ҳар куни*
*Соғиниб кутмасмиди?*

*Билолмадим бу ажал -*
*Қайдан келди увиллаб.*
*Сиз кетдингиз, Самарқанд*
*Қолгандайин ҳувиллаб.*

*Яна баҳор келади,*
*Ҳасан ота бўйига.*
*Етиб келинг тоғажон,*
*Шавкатбекнинг тўйига...*

**Ўлжабой ҚАРШИЕВ**

